

**Мавзу: «Табиий ва геологик  
муҳит. Табиий муҳитнинг  
сифатини белгиловчи  
стандартлар»**

## Режа:

1. Табиий мухитни ташкил этувчилар.
2. Геологик мухит.
3. Экологик стандартлар.
4. Хаводаги зарарли моддалар.

- Табиат деганимизда бутун борлиқ, турфа олам, сайёрамиздаги жонли ва жонсиз жисмлар тушунилади.

Ернинг :

**-ЖОНЛИ ҚИСМИГА** ўсимлик,  
ҳайвонот дунёси ва  
микроорганизмлар,

**-ЖОНСИЗ ҚИСМИГА** эса ҳаво, сув ва  
тоғ жинси қатламлари киради. Улар  
бир-бирлари билан ўзаро узвий  
боғлиқдир.

# Табиий мухитни ташкил этувчи асосий таркибий қисмлар:

-ер сатхини тузилиши;

-ТОГ жинслари;

-хаво;

ер устки ва остки сувлари;

-тупрок;

--усимлик;

-хайвонот дунёси.

Табиий муҳит компонентлар  
йиғиндисини ифодаловчи  
тушунча немис тилида  
"ландшафт" деб аталади.

**Ландшафт** сатх тузилиши,  
геологик замин, иқлим, сув,  
тупроқлар, ўсимлик туркуми,  
ҳайвонот дунёсининг бир  
хиллиги билан ажаралиб  
турадиган, маълум  
кўринишга ва чегарага эга  
бўлган ер ҳудудини  
англади.

**Геологик муҳит** деганда  
инсониятнинг техник фаолияти  
таъсир қиладиган, ландшафт  
билан ўзаро боғлиқ бўлган  
литосфера ва ер ости  
гидросферасининг юқори қисми  
тушунилади.

- Қазилма конларни ўрганувчи мутахассислар геологик муҳит деганда конларни ҳосил килувчи муҳитни, яъни литосферанинг юқори қисмини тушунадилар

**Инсон фаолиятининг таъсири**, аксарият, Ер қобиғининг юқори (халқ хўжалиги иморат иншоотлари қад кўтарадиган ва таъсир этадиган) **20-30 м қисми бўлиб**, баъзан **кон қазиб олишдаги бевосита таъсири 3-4 км чуқурликкача**, **нефть ва газ қудуқлар орқали бевосита таъсири 5-9 км гача етади**. Бу инженер-геологик муҳит тушунчаси геологик муҳит тушунчасига яқин турганлигини кўрсатади.

**Геологик муҳит баъзан геосфера деб ҳам аталади.**

**Экологик стандартларда,** табиий муҳит компонентлари (сув, ҳаво, тоғ жинслари) ва истеъмол буюмларидаги зарарли моддалар миқдорининг беэиён юқори чегараси, яъни концентрацияси — рухсат этилган чегаравий меъёри (РЭЧМ) кўрсатилган.

**Зарарли моддаларнинг**  
**концентрацияси** стандартда  
кўрсатилгандан кам бўлса, **сифатли**  
**ҳисобланади.** Улардан турли  
мақсадларда фойдаланиш мумкин.  
Стандарт бўйича инсоннинг  
истеъмол қилиши учун  
ярамайдиган майший техник сув  
деҳқончилик ва чорвачиликдаги  
талабларга жавоб бериши ва  
ишлатилиши мумкин.

# Хаводаги зарарли моддалармеъёрий концентрациясининг юкори чегараси, мг/м<sup>3</sup>

Моддалар	РЭЧМ иш	РЭЧМ қ	РЭЧМ с
Аммиак	20	0,2	0,04
Бензол	5	1,5	0,1
Азот (II)-оксиди	5	0,085	0,04
Олтингугурт (II)- оксиди	10	0,5	0,05
Углерод оксиди	20	5	3
Водород хлорид	5	0,2	0,2

**Сувнинг сифатини ГОСТ  
билан белгилашда улардаги  
зарарли моддалардан ташқари  
кислород концентрациясининг  
меъёрий миқдори ҳам инобатга  
олинади.**

**Қислороднинг концентрацияси 1 мг органик моддани 2, 5, 8, 10, 20 сутка давомида биокимёвий оксидланишига кетадиган қислород миқдори, биокимёвий жараёнларни тўлиқ таъминлайдиган қислород миқдори ва сувни қислородга бўлган умумий кимёвий зарурият миқдорлари билан аниқланади.**